

“БЕР” КЎМАКЧИ ФЕЪЛИНИНГ МОДАЛ МАЪНОЛАРНИ ИФОДАЛАШИ (ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ТИЛЛАРИ ҚИЁСИДА)

Ён Сангхеум

Докторант

Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент, Ўзбекистон

ВЫРАЖЕНИЕ МОДАЛЬНОГО ЗНАЧЕНИЯ ВСПОМОГАТЕЛЬНОГО ГЛАГОЛА «БЕР» (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ УЗБЕКСКОГО И КОРЕЙСКОГО ЯЗЫКОВ)

Ён Сангхым

Докторант

Ташкентский государственный университет востоковедения
Ташкент, Узбекистан

EXPRESSION OF THE MODAL MEANING OF THE AUXILIARY VERB “BER” (COMPARISON CONTRAST UZBEK AND KOREAN)

Yeon Sangheum

Ph.D student

Tashkent State University of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК): 81-115

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Ён Сангхеум. “Бер” кўмакчи феълининг модал
маъноларни ифодалаши
(ўзбек ва корейс тиллари қиёсида)
//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. —
№ 5 (34). — С. 107-115.

<https://doi.org/10.36078/1611145316>

Received: December 12, 2019

Accepted: February 17, 2020

Published: February 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Ўзбек ва корейс тиллари агглютинатив тиллар гуруҳига мансуб. Шу сабабли ўзбек тилини биладиганлар учун корейс тилини ўрганиш осон бўлади ва корейс тилини биладиганлар ҳам ўзбек тилини ўрганишида у даражада қийинчилик сезмайдилар. Гап қурилиши сўзма-сўз таржима қилинса, гапнинг мазмун-моҳиятини (юз фоизга етмаса ҳам) билса бўлади. Икки тил агглютинатив тил бўлгани учун феълининг қўлланишида, хусусан, кўмакчи феъл билан гап тузганда ўхшаш жиҳатларни кузатиш мумкин. Икки тилга мансуб кўмакчи феъллар орасида яқини бермоқ ҳисобланади. Асосан, -б, -иб аффикслари орқали бирикишдан ҳосил бўлган кўмакчи феълли сўз қўшилмасида корейс тилидаги 주다 [juda] (бермоқ) луғавий жиҳатидан бир хил. Фарқли томони корейс тилида 주다 [juda] феълининг ҳурмат шакли ҳам мавжудлиги ва бундан бошқа 주다 [juda] кўмакчи феълининг ифодалашида 봉사 [bo'ngsa] (хизмат кўрсатиш) ва 유익성 [yuisong], яъни ‘фойда келтириш’ модал маъносини билдиришидир.

Ўзбек тилидаги -б, -иб аффикслари билан бириккан ҳоллардан бошқа - а, -й аффикслари билан бирикишдан ҳосил бўлган қўшилмада модал маъноларни ифодалаши корейс тилида доим ҳам мос келавермайди. Буларни ифодалаш учун 거든히 [goddinh], 문제없이 [munjeobshi] равишларидан фойдаланиш лозим.

Мақолада бермоқ кўмакчи феълининг корейс тилида ифодаланиши ва модал маъно англатиши қиёслаб ўрганилган.

Калит сўзлари: кўмакчи феъл; модал; модал маъно; аффикс; ўзбек тили; корейс тили; қиёсий таҳлил.

Аннотация. Как и узбекский язык, корейский язык является агглютинативным. Поэтому для тех, кто говорит по-узбекски, выучить корейский легко, а те, кто знает корейский, также не испытывают особых трудностей с изучением узбекского языка. Если предложение переводится дословно в соответствии со структурой предложения, это позволяет уловить смысл предложения. Поскольку эти два языка относятся к агглютинативным, можно найти много общего при построении предложений с использованием спряжения глаголов, особенно вспомогательных глаголов. Вспомогательный глагол *бермоқ* — один из похожих вспомогательных глаголов обоих языков. В частности, конструкция «-б, -иб бермоқ» семантически и лексически выглядит почти одинаково с глаголом *주다* (давать) корейского языка. Различия заключаются в существовании вежливой формы глагола *주다* (давать) в корейском языке и выражении модальностей *봉사* (услуга) и *유익성* (выгода) при использовании вспомогательного глагола *주다* (давать). В отличие от конструкции «-б, -иб бер», конструкции «-а, -й бермоқ» отличаются в выражении модального значения в корейском языке. В этом случае для выражения следует использовать наречия *거뜰히* (легко) и *문제없이* (без проблем). В этом исследовании определяется модальное значение вспомогательного глагола *бермоқ* и сравнивается с корейским языком, как он выражается.

Ключевые слова: вспомогательный глагол; модальность; модальное значение; аффикс; узбекский язык; корейский язык; сравнительный анализ.

Abstract. According to the morphological classification of languages, both the Uzbek and the Korean languages are the agglutinative languages. Therefore, this makes it easy for Uzbek language bearers to learn Korean, as well as for those Korean people who deal with the Uzbek language. If a sentence is translated through a word-for-word technique, the similar structure of the sentence enables to catch the content of the utterance to the maximum. The fact that the two languages belong to agglutinative languages, several similarities can be found while constructing sentences using verb conjugation, especially auxiliary verbs.

The verb *bermoq* is one of the similar auxiliary verbs in both languages. In particular, the construction “-b, -ib bermoq” looks almost the same from the lexical-semantic viewpoint with the Korean language verb *주다* (to give). The difference lies in the existence of the honorific form of the *주다* (give) verbs in the Korean language, which expresses the modality of *봉사* (service) and *유익성* (benefit) while using *주다* (to give) auxiliary verbs.

Unlike the construction “-b, -ib ber”, the construction “-a, -y bermoq” are different to express the modal meaning in the Korean language. In this case, it is recommended to use the adverb *거뜰히* (easy) and *문제없이* (no problem).

This study defines the modal meaning of the auxiliary verb *bermoq* in comparison with the Korean language.

Keywords: auxiliary verbs; modality; modal meaning; affix; Uzbek language; Korean language; contrastive analysis.

Кириш. Ўзбек ва корейс тиллари ўхшаш тиллар ҳисобланади. Корейс тили генетик жиҳатдан олтой тиллари оиласига киради. Морфологик типологияга кўра ўзбек ва корейс

тиллари агглютинатив тиллар эканлиги маълум. Агглютинатив тил хусусиятларига эга бўлган икки тилда ўхшаш жиҳатлардан бири кўмакчи феълдир. Икки тилга мансуб бўлган кўмакчи феъллар орасида бермоқ кўмакчи феълнинг қўлланишида бир-бирига яқин ва ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Лекин фақатгина ўхшаш томонини умумлаштириш эмас, икки тилга хос жиҳатларини аниқлаш ва фақат икки тилда умумий бўлган хусусиятларини таҳлил қилиш лозим. Тилларда, албатта, фарқли жиҳатлар бўлади. Энг муҳими яқин хусусиятларини фарқлаш ва бу томонини аниқлаб, ўзига хос бўлган кўмакчи феълларни тўғри ифодалаш зарур.

Ўзбек тилида бер(-вер) кўмакчи феъли равишдошнинг -а, -й аффикслари билан ясалган турига бирикканда, ҳаракатнинг бажарилиши учун тўсик, монеликнинг йўқлиги каби модал маъноларни билдиради: кетавераман, беравер, олаверди каби (2, 197).

Азим Ҳожиев (Феъл, 1973) бер кўмакчи феълни -и(б) аффикси билан ясалган турига бирикканда; 1) ҳаракатни ўз устига олган объектнинг субъектдан ўзга томонига йўналиши маъносини билдирганда; 2) ҳаракатнинг ўзга учун бажарилиши (ҳаракат натижасининг ўзга манфаатига йўналиши) маъносини билдирганда ифодаланишини таъкидлаган. Рабишдошнинг -а, -й аффикслари билан ясалган турига бирикканда эса 1) ҳаракатнинг бажарилиши учун тўсик, монелик, қаршилиқ йўқлиги (тўсиксиз, монеликсиз, қаршиликсиз бажарилиши) маъносини; 2) етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, такрорийлиги маъносини билдиради (3, 34).

Ўзбек тилидаги бермоқ феъли корейсчада 주다 [juda], 드리다 [dirida] (주다 феълнинг хурмат шакли) феълга тўғри келади. 국립국어원 [guglibgugouon]нинг 표준국어대사전 [pyo'jungugodesajon] ида (1, sayt) 주다 [juda] (бермоқ) кўмакчи феъли етакчи феълдаги ҳаракат бошқа бирор кишининг ҳаракатига таъсир қилишини ифодаланганда фойдаланилади деб ёзилган ва куйидаги мисоллар билан изоҳланган:

그는 친구의 숙제를 대신 해 주었다. [ginin chinguil sugjeril deshlin he juotda] (У ўртоғининг вазифасини қилиб берди.)

환자에게 밥을 먹여 주었다. [ho'anjaege babil mogyo juotda] (Беморга овқатини едиришга ёрдам берди.)

Лекин 표준국어대사전 [pyo'jungugodesajon]даги изоҳда фақатгина умумлаштириб, луғавий жиҳатдан тушунтирилган. Корейс тилшунос олимларининг асарларида 최현배 (Cho'e Hyonbe) 우리말본 [urimalbo'n] корейс тили грамматикаси бўйича китобда келтирилган кўмакчи феъл тушунчасида маъновий хусусиятларига қараб 주다 [juda] кўмакчи феъли 봉사 [bo'ngsa], яъни хизмат кўрсатиш категориясига киритилган. Ҳозирги кунга қадар қатор муҳокамаларда 손세모들 (So'n Semo'do'l. 1991) 봉사 [bo'ngsa] категорияси танқид қилинди, яъни 주다 [juda] кўмакчи феъли лексик, маъновий хусусиятига эга бўлиб, кесим шаклида

ифодаланиши эмас, ‘фойда келтириш’ маъноси билан боғлиқ сўзловчининг руҳий ҳолатига оид, модал маънони ифодалашини билдирган (5, 42). 최현배 (Cho'e Hyonbe) ва 손세모돌 (So'n Semo'do'l)нинг фикрида жузъий камчиликлар борки, 봉사 [bo'ngsa], яъни хизмат кўрсатишда ихтиёрийлик ўзида сақланган. Лекин қуйидаги мисолга қарасак, бу фикрнинг ноаниқлиги англашилади:

바람이 시원하게 불어 주었다. [barami shiuonhage buro juotda] (Шамол салқин шамоллатди --- сўзма-сўз таржима. Маъноси бўйича: Шамолнинг салқин шабадаси ёқди, фойдали бўлди)

손세모돌 (So'n Semo'do'l)нинг ‘фойда келтириш’ маъносини ифодалаши эса, 주다 [juda] феъл ўзида йўналиш (инглиз тилида dative v.) маъноси борлиги сабабли бу мавзуда кўплаб баҳс юритилган.

너 자꾸 까불면 때려 줄거야. (6, 88) [no jaggu ggabulmyon ddegyo julgoya] (Сен чайқалиб(жиддий эмас бўлиб) турсанг, уриб бераман.*юбораман)

이 음식 맛이 사람 죽여 준다. (6, 88) [i imshig mashi saram jugyo junda] (Бу таомнинг мазаси одамни ўлдириб беради.*зўр экан.)

Юқорида келтирилган мисолдан фақатгина гап ўзидан билинадикки, а., в. мисолларда ‘фойда’ маъноси йўқ. Лекин прагматика, психологик томонида асосан 주다 [juda] (бермоқ) кўмакчи феълининг модал маъно ифодалашига эътибор берилса, сўзловчи тингловчининг ҳолати ‘чайқалиб (жиддий эмас бўлиб) туриш’нинг тескарисида бўлишни хоҳлаши мумкин. Сўзловчи эшитувчини етакчи феълдаги урмоқ, яъни уриш ҳаракатидан кейин эшитувчи ‘жиддий’ бўлса, бу сўзловчига ‘фойда’. Мисол б. эса кўчма маъноли гап, унда киноя, истехзо маънолари мавжуд. Ҳақиқий ўлмоқ мазмуни ифодаланмаган. У таомнинг мазаси сўзловчига ёққани, ундан юз фоиз мамнун бўлганлигини ифодалайди.

Бундан бошқа, корейс олими 손세모돌 (So'n Semo'do'l) 주다 [juda] кўмакчи феълининг эвфемистик, ҳурмат шаклида ифодаланганда, методик функция бажаришига эътибор берган. (7, 181-206)

문을 여세요. [munil yoseyo'] (Эшикни очинг.)

문을 열어 주세요. [munil yoro juseyo'] (Эшикни очиб беринг.)

Келтирилган а. мисолда кўмакчи феъл буйруқ-истак майли шаклида ифодаланган. Корейс тилшунослигида в. мисолдаги гап ҳам буйруқ-истак майлида деган қараш ҳам бор. Лекин а. мисол билан фарқланиш, в. мисолдаги гапда 주다 [juda] кўмакчи феъли, яъни бермоқ феълини қўшиб одатдаги буйруқ-истак майли шаклига ‘илтимос’ маъновий функциясининг юкланганидир. Яъни сўзловчи тингловчига буйруқ бериш эмас, ундан ҳаракатни бажаришини илтимос қилиш маъносини ифодалайди. Шунинг

учун а.мисолга нисбатан в.мисол тингловчининг ҳаракат бажаришида мажбур этиш камроқ бўлади. Бундан ташқари, 드리다 [dirida] ва 주시다 [jushida] (бермоқнинг ҳурмат ифодаловчи шакли) билан қўлланиши ҳам мумкинки, буни ўзбек тилига таржима қилишда қийинчиликка дуч келамиз.

친구에게 편지를 읽어 주다. [chinguege pyonjiril ilgo juda] (Ўртоғига хатни ўқиб беради.)

할머니께 편지를 읽어 드리다. [halmonigge pyonjiril ilgo dirida] (Бувисига хатни ўқиб беради.)

어머니께서 편지를 읽어 주시다. [omoniggeso pyonjiril ilgo jushida] (Она хатни ўқиб беради*берадилар)

Юқорида келтирилган мисоллар орқали асосан а. ва в. гапнинг етакчи феъл ва кўмакчи феъли ўзбек тилида бир хиллигини, корейс тилида эса фарқланишини англаш мумкин. Гапнинг асосийси етакчи феълдаги ҳаракатни бажариш, яъни ‘ўқиш’га боғлиқ. Лекин корейс тилида 주다 [juda] феълнинг ҳурмат шакллари билан сўзловчи ва эшитувчининг муносабатини аниқлаш мумкин.

Ўзбек ва корейс тилларда кўмакчи феъл бермоқ, 주다 [juda]ни ифодалаш қандайлигини қуйидаги мисоллар асосида қиёслаш мумкин:

Ўзим ёзаверайми? (4, 74)

Ўша дарёнинг бу бетидан у бетига бемалол сузиб ўтавераман. (4,174)

Кираверинглар. Йўқ, йўқ, пиймангизни ечманг, уй совук. (4, 73)

Йўл очиб кетаверади. (4, 144)

Сиз ҳаётинг проблемаларга аралашасизми ё нукул китоб ёзаверасизми? (4, 36)

Келтирилган мисолларни корейс тилига таржима қилиб, маъновий жиҳатдан қиёслаб, А-1, А-2 ва В-1, В-2., В-3 икки гуруҳга ажратиш мумкин. Ўзбек тилида ҳаммаси модал маънони, яъни ҳаракат бажарилиши учун тўсиқ, монеликнинг йўқлигини билдиради. Лекин корейс тилида ўзбек тилидаги кўмакчи феъл бермоқнинг модал маъно ифодалашига тўлиқ тўғри келадиган кўмакчи феъл ҳамда етакчи феъл мавжуд эмас. Корейс тилидаги 주다 [juda] кўмакчи феъли билан тўсиқ, монеликнинг йўқлигини билдириш мумкин, лекин гапда ҳаракатнинг мақсади ўзи учун ёки бошқалар учун бажариш билан боғлиқ. Яъни 주다 [juda] кўмакчи феъли кимдир учун, асосан, ‘сиз учун’ бажариш маъносини ташийди. Баъзан у тўсиқ, монеликнинг йўқлигини билдириш мумкин бўлса ҳам, “кимдир учун бажариш” маъноси кучлироқ.

. 내가 써 줄까? [nega sso julgga]

. 이 강의 이쪽에서 저쪽까지 거뜬히 헤엄쳐서 건너가 줄게 [i gangii ijjo‘geso jjo‘kkgaji goddinhi heomchyoso gonnoga julge]

Юқорида келтирилган мисол А-1 ва А-2нинг корейс тилига таржима қилингани а-1 ва а-2 бермоқ, яъни 주다 [juda] кўмакчи феъли билан ифодаланган. а-1 гапдаги ёзиш ҳаракати 주다 [juda]

кўмакчи феъли билан бирикиб, икки маънода мавжуд бўлади. Асосий маъноси кимдир учун ёзиш ҳаракатини амалга оширишдир. Лекин бу гапга яна бошқа қўшимча маъно ҳам бера олади; ёзиши ҳаракат сўзловчига тўсиқ, монелик йўқлиги модал маъносини билдиради. Корейс тилшунослари 주다 [juda] кўмакчи феълени ‘кимдир учун’ маъносига кўп аҳамият беришган. Лекин фақатгина 주다 [juda] кўмакчи феъленинг йўналишни ифодалашига эътибор берса, хатоликка дуч келади. Аниқланган ажратиш ва йўналишни билдириш категориясидан фарқли тарзда бўлгани учун шу муаммоларга учраш мумкинки, 주다 [juda] кўмакчи феълени фақатгина йўналиш маъносида эмас, балки бу маънодан бошқа маънони ҳам билдириши ва қўлланилиш мавжуд. Яъни икки хилга ажратиш мумкинки, биринчи гапда кимдир учун етакчи феълдаги ҳаракатини бажариш, лекин етакчи феълдаги ҳаракат сўзловчи учун тўсиқ бўлиши ёки тўсиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Иккинчисида эса кимдир учун етакчи феълдаги ҳаракатни қилиш маъноси ҳамда етакчи феълдаги ҳаракатни амалга оширишда тўсиқ, монелик йўқлигини билдиради. а-1 гапга нисбатан а-2 гап ўзбек тилидаги бермоқ кўмакчи феъли модал маънони ифодалашига яқин бўлади, чунки гапнинг ичида ‘бемалол’ деган сўз борлигида. Яъни ўзбек тилида бермоқ кўмакчи феъли модал маъно ифодалашини корейс тилига тўлиқ таржима қилишда қийинчиликка дуч келамиз. 주다 [juda] (бермоқ) кўмакчи феълдан бошқа 보다 [bo‘da] (кўрмоқ) кўмакчи феъли ҳамда – 수 있다 [-1 su itda] шаклида қўлланиб, ўзбек тилидаги -а, -й аффикслари билан ясалган турига бириккан олмоқ кўмакчи феъли билан яқин маънони билдириб қўлланиш мумкинки, бу икки ҳолатда ҳам тўлиқ таржима юзага келмайди.

내가 써 줄까? [nega sso julgga] (ёзаверайми?га яқин.)

내가 써 볼까? [nega sso bo‘lgga] (ёзиб кўрайми?)

내가 쓸 수 있어. [nega ssil su itso] (ёза оламан.)

а-1-2 гап синаш маъносини билдиради. Лекин ёзиш ҳаракати сўзловчига осон, монелик йўқлиги маъносини оз бўлса-да, билдиради. Бу ифодалашга нисбатан синаш маъноси кучлироқ бўлгани учун тўғри келмайди. Баъзан сўзловчи гердайганда, ғурурланганда қўлланса, ўзбек тилидаги бермоқ кўмакчи феъли модал маънони билдирганда ифодалаган маънони англантиши мумкин. а-1-3 гап эса, сўроқ гап бўлса ‘ёза оламанми?’ гапига ўзгаргани сабабли тасдиқ гап шаклида таржима қилишга тўғри келади. Лекин а-1-2 гапга ўхшаб бермоқ кўмакчи феъли модал маънони ифодалашга нисбатан, “ҳаракатни бажариш имкониятига эгалик”, “қодирлик” маъносини кучлироқ ифодалайди.

거뜰히 헤엄쳐서 건너가 줄게. [goddinhi heomchyoso gonnoga julge] (‘бемалол сузиб ўтавераман’ га яқин.)

거뜰히 헤엄쳐서 건너가 볼게. [goddinhi heomchyoso gonnoga bo‘lge] (бемалол сузиб ўтиб кўраман.)

거뜰히 헤엄쳐서 건너갈 수 있어. [goddinhi heomchyoso gonnogal su itso] (бемалол сузиб ўта оламан.)

a-2 гап ҳам худди a-1 гапга келтирилган мисолга ўхшаб, шу даражада бўладики, a-1 гапга нисбатан ‘бемалол’ сўзини 거뉘히 [goddinhi]га таржима қилганимиз учун, яъни гапнинг ичида равиш борлиги сабабли бер(-вер) кўмакчи феъли равишдошнинг -а, -й аффикслари билан ясалган турига бирикканда, ҳаракатнинг бажарилиши учун тўсиқ, монеликнинг йўқлиги каби модал маъноларни билдиришга яқин бўлади.

. 집이 추우니, 신발을 벗지 말고 어서 들어오세요. [jibi chuuni shinbaril botji malgo‘ oso diroo‘seyo‘]

. 그는 문제없이 길을 열어 앞장서(헤쳐) 나갔다. [ginin munjeobshi giril abjangso(hechyo) nagatda]

. 당신은 삶의 문제들에 영향을 받으니까 혹은 문제없이(영향에 상관없이) 늘 책을 쓰십니까? [dangshinin sarmii munjedire yonghyangil batsibnigga ho‘gin munjeobshi(yonghyange sanggo‘anobshi) nil chegil ssishibnigga]

Юқоридаги В-1, В-2 ва В-3 мисолларини корейс тилига таржима қилсак, b-1, b-2 ва b-3 мисолга мувофиқ келади. В-1, В-2 мисолни корейс тилига таржима қилганда 주다 [juda] кўмакчи феъли билан қўлланиши мумкин, лекин бошқа маънога ўзгариб кетади. В-3 эса 주다 [juda] кўмакчи феъли билан ифодалаш гап қурилишида нотўғри бўлади. Шунинг учун юқоридаги мисолларни корейс тилига таржима қилганда равиш билан етакчи феъл ёки бошқа феъл орқали ифодалаш лозим. b-1 гапга нисбатан b-2 ва b-3 гап ўзбек тилидаги бермоқ кўмакчи феъли билдирадиган модал маънога яқинлигини англаш мумкин, чунки 문제없이 [munjeobshi], яъни ‘муаммосиз’ деган равиш билан ифодалангандир. b-1 гапга эса, 문제없이 [munjeobshi] равиш қўлланса, гап ғализ бўлади. Шунинг учун бошқа равишни ишлатиб, гап тузиш мумкинки, b-2, b-3 гаплардагидек равишга қараб, ҳаракатда тўсиқ, монелик йўқлигини топиш мумкин бўлади. 어서 [oso] равишнинг маъноси; 1) иш ёки ҳаракатни кутмасдан тезроқ қилишни истаганда, 2) илтимос, тез, марҳамат деган маънони билдиради. Корейс тилига таржима қилган b-1 гапни Уй совуқ бўлгани учун пиймани ечмасдан тез кириб келинг деб сўзма-сўз ўзбек тилига таржима қилиш ҳам мумкин. Агар ‘들어와 주세요’ [diroo‘a juseyo‘] деб 주다 [juda], яъни бермоқ кўмакчи феъли билан ифодаланса, кўпроқ ‘илтимос’ ва ‘ўтиниб сўраш’ маъносини билдиради. Шунинг учун ‘어서 [oso]’ равиш билан қўлланиб, уйга кириш ҳаракати сўзловчига тўсиқ, монелик йўқлигини билдирадиган бермоқ кўмакчи феълига яқин маънони англатади. b-2 (4, 144) гап эса олдидаги ва ундан кейинги жумлага қараш керакки, фақатгина b-2 гап ўзига қараб ‘Йўл муаммосиз очилади’ деб нотўғри таржима қилиш мумкин. Таржима қилинганини ўзбек тилига сўзма-сўз қайтариб таржима қилса, У муаммосиз (хеч муаммога учрамасдан), йўлни очиб, олдинга тушиб кетибди бўлади. Агар 길을 열어 나가 주었다. [giril yoro paga juotda] (йўлни очиб чиқиб(*ё кетиб) берди.) деб таржима қилса, бу гапнинг маъноси ‘йўл очиш’ ҳаракати ‘сўзловчи учун’

бўлади. Юқорида исми айтиб ўтилган олим 최현배 (Cho'e Hyonbe)нинг 봉사 [bo'ngsa], яъни хизмат кўрсатиш ва 손세모돌 (So'n Semo'do'l)нинг 'фойда келтириш' назариясига тўғри келади. Лекин 길을 열어 나가 주었다. [giril yoro naga juotda] гапида ҳаракатнинг бажарилиши учун тўсиқ, монеликнинг йўқлиги маъноси умуман ифодаланмаган. Шунинг учун 주다 [juda] кўмакчи феъли тўғри келмайди.

Келтирилган мисол b-3 эса, b-1 ва b-2 гап билан фарқланиш шуки, 주다 [juda] кўмакчи феълнинг қўлланиши мумкин эмас. Яъни b-1 ва b-2 гап корейс тилига таржима қилинганда 주다 [juda] кўмакчи феъли билан қўлланса, гап тузилишда маъновий жиҳатдан ўзбек тилидаги гап билан фарқли бўлади. Кўмакчи феъл 주다 [juda] билан ифодаланиб, корейс тилига таржима қилганда b-1 гап кириш ҳаракати сўзловчига ҳам тингловчига ҳам боғлиқ, b-2 гап эса йўл очиб кетиш ҳаракатининг бажарувчиси бошқа бир одам учун қилганлигини ифодалайди. Лекин b-3 эса, 주다 [juda] кўмакчи феъл билан ифодаланса 씨 주다 [sso juda] (ёзиб бермоқ) бўлгани учун бу қўшилмада йўналиш, яъни ёзиш ҳаракатининг йўналиши аниқланади. Корейс тилида ёзиш ҳаракатини ўзи учун ҳамда ўзидан бошқалар учун амалга ошириш мумкин. Лекин келтирилган мисолда эса ўзи учун ёзиш ҳаракат қилиш контекстуал таърифда ғализ бўлиб қолади. Агар мисолдаги гап 'Сиз ҳаётини проблемага аралашсангиз ҳам, нуқул китоб ёзаверасизми (ёки ёзиб берасизми)?' бўлса 주다 [juda] кўмакчи феъли билан ифодалаш мумкин. Лекин тўсиқ, монелик йўқлигини билдириш маъносини таржимада ифодалаш учун фақатгина равиш билан ёзмоқ феълни қўллаш керак, холос.

Демак, юқоридаги мисоллар асосида таҳлиллардан кўринадик, бермоқ кўмакчи феъли корейс тилида доим ҳам унга сўзма-сўз таржима қилиш орқали тенг келадиган кўмакчи феъл билан тўғри келмайди. У қуйидаги шаклларда ифодаланиши мумкин:

Бермоқ кўмакчи феълнинг маъносини корейс тилидаги 주다 [juda] кўмакчи феъллари орқали ифодалаш мумкин;

бермоқ кўмакчи феълнинг маъносини кўпинча ифодаловчи корейс тилидаги 주다 [juda] кўмакчи феълда модал маънодан ташқари йўналиш маъноси ҳам мавжуд;

етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг "кимдир учун" бажарилиши маъносини корейс тилида -어 주다 [-o juda] шаклларида фойдаланиб, ифодалаш мумкин;

етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг монеликсиз, тўсиқсиз, осон бажарилиши маъносини корейс тилида 거든히 [goddinhi], 문제없이 [munjeobshi] равишлар билан 주다 [juda] кўмакчи феълдан фойдаланиб, ифодалаш мумкин;

бермоқ кўмакчи феъли етакчи феълга қўшилиб -вермоқ шаклида ҳам ишлатилади, бунда кўмакчи феъл фақатгина иш-ҳаракатнинг монеликсиз, тўсиқсиз, осон бажарилиши маъносини

ифодалайди. Бу шаклда етакчи феълдан англашилган ҳаракатни ким учундир бажариш маъноси бўлмайди, корейс тилида эса бундай қисқарган шакл мавжуд эмас;

бермоқ кўмакчи феъли модал маънони ифодалашини гапда қўлланган равиш сўзлар ҳам тасдиқлаши мумкин, корейс тилида бу ҳолат эса равиш билан қўлланилганда англашилади;

Бу каби тадқиқот ва таҳлил натижалари таржима жараёнларида муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Корейс стандарт адабий тили катта луғати. — URL: <https://stdict.korean.go.kr/main/main.do>
2. Хожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. — Тошкент: Фан, 1966. — 227 б.
3. Хожиев А. Феъл. — Тошкент: Фан, 1973. — 158 б.
4. Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари. — Тошкент, 2018. — 215 б.
5. 손세모돌. 보조동사 ‘주다’의 결합 제약과 의미. 한국학논집 19. 한양대학교 1991.
6. 이선웅. 현대국어의 보조용언 연구. 서울대학교 대학원. 1995.
7. 손세모돌. 행동부과의 간접 표현. 한양어문연구 7. 1989.

References

1. *Koreis standart adabii tili katta lugati* (Large dictionary of Korean standard literary language), available at: <https://stdict.korean.go.kr/main/main.do>
2. Khozhiev A., *Uzbek tilida kumakchi fe'llar* (In the Uzbek Language the Auxiliary Verbs), Tashkent: Fan, 1966, 227 p.
3. Khozhiev A., *Fe'l* (Verb), Tashkent, 1973, 158 p.
4. Hoshimov U., *Dunening ishlari* (Works of the world), Tashkent, 2018, 215 p.
5. 19. *한양대학교* 1991. *Korean Journal of Korean Studies, No.1*, Hanyang University, 1991.
6. Sun-Wung., *Study of auxiliary languages in modern languages*. Graduate School of Seoul National University, 1995.
7. *Hanyang Language Study No.7*, 1989.